

**№ СРIO-1513/AT-VoIP - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет тақиқилотлари) учун

Тошкент ш.

20/22 йил “05 майварб

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги номидан Часурас (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Ф.Д. З. бозорб (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиковчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонента идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чишиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбик этилади.

3.1.1. Алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбик этилади ва ойлик хисоб 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегиши иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик қўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 1 266 750,00 (Бир миллион икки юз олтмиш олти минг етти юз эллик) сўмни ташкил этади. Ундан 422 250,00 (Тўрт юз йигирма икки минг икки юз эллик) сўм микдорида ойлик абонент тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади. Халкаро алоқа хизмати учун тўлов ҳақиқатдан кейин кўнгирок йўналиши ва ишлатилган дакикаларга мувофик амалга оширилади (нархлар рўйхати №125-1/1). Шартнома микдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча микдори ҳар ойда тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/такдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада қўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўtkазиш йўли билан Оператор томонидан қўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар қўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида қўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар қўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Операторордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарilmайдi.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори қўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ён) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда қўrсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегиши тузишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календар ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро қелишув оркали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпі билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласи.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 йил 31 декабрга кадар амал киласи. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 септември кадар амал киласи.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календар кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:

АК “Ўзбектелеком”

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Манзил: Тошкент, шаҳар, А. Темур кўчаси 97 А.
Тел: (99) 836-7600
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz
Банк маълумотлари:
хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088
АТБ Алоқабанк
МФО: 00401
СТИР: 203366731
ОКЕД: 61100
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди
ККС 326 030 013 817

Директор ўринбосари:



Хон А.Е.

Ижоғчи: Тагаева А.
Тел: +998 99 700-0710.

АБОНЕНТ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

хузуридаги давлат хуесиний шерикленини
Ўзбекистон Республикаси Ишлар министрини хузуридаги

Манзул-хусусий шерикленини ривожлантириш Агентлиги

Банк маълумотлари Юнусобод тумани Йиғишмал кўчаси 29-йй

х/р: Р/с: 2340 2000 3001 000 1010

л/р: Л/с: 100010860162667091800275009

СТИР: МФО: Гл. упр. РКЦ ЦВ ОПЕРУ Казначейства

Банк номидаги Министерство финансов Республики Узбекистан

Тел: МФО: 00014 ИНН: 305 907 661 ОКЭД: 84119

Абонент номидан:



/имзо/

КМХКХ бўлим бошлиғи: Раҳмадова Ш.Х.

Директор б.д. З. Гоззаров
Ф.И.Ш.

Директор б.д. З. Гоззаров
Ф.И.Ш.

1-илова

"05" 01. 2022 йилдаги № CPIO-1513/AT-VoIP -сонли абонент шартномаси

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

t/p	Хизматлар номи	ҚКС билан нархи (микдори)	Микдори	15% ҚКС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5
I. Бир марталик тўловлар				
1.1	Битта интеллектуал номердан фойдаланиш хукукини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов) IP-телефония	-	-	-
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Лимитсиз” тариф режаси IP-телефония (45 000 мин., лимитдан ошса, технолог чеклов 12 сўм) (71 2030307)	40 000,00	1	40 000,00
2.2	SIP-trunk протоколи бўйича бир виртуал каналдан фойдаланиш учун абонент тўлови (21-30 каналдан иборат бир гурӯхга), бир ойда	15 290,00	25	382 250,00
Жами (олдиндан тўлов)				422 250,00

Жами олдиндан тўлов микдори 422 250,00 (Тўрт юз йигирма икки минг икки юз эллик) сўм, шу жумладан, ҚКС 15 % микдориди.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 1 266 750,00 (Бир миллион икки юз олтмиш олти минг етти юз эллик) сўмни ташкил этади. Ундан 422 250,00 (Тўрт юз йигирма икки минг икки юз эллик) сўм микдориди ойлик абонент тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади. Халкаро алоқа хизмати учун тўлов хакикатдан кейин қўнғирок йўналиши ва ишлатилган дақиқаларга мувоғиқ амалга оширилади (нархлар рўйхати №125-1/1). Шартнома микдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча микдори ҳар ойда тўланади.

"Ўзбектелеком" АК номидан:

«Сотув ва хизмат кўреатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни
ривожлантириш агентлиги



Абонент номидан:

Ф.И.Д.
З.Бозоров
/имзо/
М.ў.